

АКМАЛ ПҮЛАТ

ЧАМАНЯЛЛА

*Шеърлар
қўшиқлар
ҳажвиялар*

Faфур Fулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1978

Уз 2
П 99

П $\frac{70403-256}{352(06)-78}$ Р-78

© Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 й.

ҮЛҚАМ БАЕТИ

Элимда тўй-тамошолар сенинг азми ҳалолингдан,
Яшармиз давру давронда олиб қувват камолингдан.

Бутун олам севар жондан сени эй, меҳрибон ўлқам,
Муҳаббат ҳам садоқатда жаранг берган мақолингдан.

Жасорат, ғайратингдан кўкка етди пахта хирмонлар,
Ҳамма мафтун сенга доим нурафшон гул жамолингдан.

Зафарлар боиси албат шарафли, шонли меҳнатдир,
Неча ҳалқ баҳраманд боянгдан оққан тоза болингдан.

Ёзар Акмал қўшиқ доим Ватанга жон фидо айлаб,
Бутун ҳалқи каби хушнуд, қониб меҳру висолингдан.

ДОВРУФИНГ

Гул диёrim, катта мақтов довруғинг,
Катта шуҳрат, катта қутлов довруғинг.
Яшнади қир, чўли яйлов довруғинг,
Гул диёrim, катта мақтов довруғинг.
Катта шуҳрат, катта қутлов довруғинг,

Довруғингга тан берар аҳли жаҳон,
Даштларингда мавж урар оби равон,
Илмимизга бўлди таслим осмон,
Гул диёrim, катта мақтов довруғинг,
Катта шуҳрат, катта қутлов довруғинг.

Ҳур Ватан довруғларин элдан сўранг,
Мард, баҳодир, покиза дилдан сўранг,
Акмал айтган рост, ширин тилдан сўранг,
Гул диёrim, катта мақтов довруғинг,
Катта шуҳрат, катта қутлов довруғинг.

УЛУФ ОКТЯБРЬ

Минг яша, жонажон, Улур Октябрь,
Ҳар кунинг зафарга тўлиқ, Октябрь.

Октябрь қутқазди ҳалқни зулматдан,
Мусибат, ғам-алам, қайғу, кулфатдан.

Қуллик кишанларин парчалаб, уздик,
Дунёда энг гўзал, ҳур ҳаёт туздик.

Сен туфайли йўқолди амирлар, хонлар,
Ватанда бошланди янги давронлар,

Коммунизм сари бормоқда инсон,
Юртимга қойилдир жумлаи жаҳон.

Олтмиш баҳор кўрди азамат ёшииг
Ҳамиша бахт-иқбол, шараф йўлдошинг.

Дўстликдир юракда мангу шиоринг
Бу йўлда қатъийдир аҳду қароринг.

Ақмал куйлар доим сенинг мадҳингни,
Нурафшон ҳур ҳаёт, мангу бахтингни.

ДАВРОН ҚУШИГИ

Юртимизда кўп, жаранг тўй мавсуми,
Авжида ялла-қўшиқ, куй мавсуми,
Довруғи оламга машҳур гул диёр,
Боғлари сочгай атири, бўй мавсуми.

Мавсуми мавсумлар ичра шуъладор,
Шодиёна кулги, қаҳ-қаҳ қанча бор,
Тўйга келгай барча қардош, дўсту ёр
Дўсту ёр меҳнатда ҳам мардонавор.

Гул элимда ҳар куни янги зафар,
Тоғ каби улкан зафардир ҳар сафар,
Акмало, кўкка кўтар ботирларинг,
Ҳар нафас янги зафардан бер хабар.

БҮСТОНИМГА ЯРАША

Аъло меҳнат донг таратсин давронимга яраша,
Чаманзорлар атрин сочсин бўстонимга яраша.

Юрагимда мавж уради ҳур Ватанга пок меҳрим,
Нур устига нур ёғмоқда достонимга яраша.

Бахтили, қувноқ давронимиз—давронларнинг даврони,
Лочинларим парвоз қиласар осмонимга яраша.

Улуғвордир янги режа, янги юксак мэрралар,
Қатта хирмон кўтарамиз қарвонимга яраша.

Кенг жаҳонни ёритмоқда Октябрнинг қуёши,
Ватанимда мангутинчилик паймонимга яраша.

Мустаҳкамдир бу қардошлиқ ҳалқлар аро ҳамиша,
Порлаб боқар истиқболим жавлонимга яраша.

Акмал сизга ёзар қўшиқ тоғ кўтарган Фарҳодлар,
Шер мисоли олға юринг замонимга яраша.

ЧАМАНЯЛЛА

**Юраккинам оромидир, чаманялла,
Қандай гўзал, қандай ширии бизнинг палла.**

**Ҳамма дилдан меҳр қўйган диёrimга,
Қон-қардошлар жўр бўлади гулёримга.**

**Гулёримнинг туб маъноси саодатdir,
Ҳалол меҳнат мард халқимга чин одатdir.**

**Фароғатда яшар халқим меҳнат билан,
Камол топдик, эллараро иззат билан.**

**Давронимиз нур сочмоқда юлдузсимон,
Гул диёrim чин мардларга бўлди макон.**

**Шуҳратимиз жаҳон кезар, ер-осмонда,
Она-Ватан муҳаббати пок виждонда.**

**Акмал куйлар доим дўстлик шиорини,
Дилдан қўймас асло тинчлик қарорини.**

**Юраккинам оромидир, чаманялла,
Қандай гўзал, қандай ширии бизнинг палла.**

СОЛДАТЛАРГА

Халқым юракдан севган, саодатли солдатлар,
Улуғ Ватан фахрисиз, фароғатли солдатлар,
Хәётимиз посбони, адолатли солдатлар,
Дунё қойил сизларга, салобатли солдатлар,
Ленинчилар авлоди, жасоратли солдатлар.

Чегарадан бир құзғұн учса дархол биласиз,
Босқинчи, малъуиларнинг адабини берасиз,
Ағёрларнинг бағримиң найза билан тиласиз,
Иғвогарлар илдизин таги билан юласиз,
Омон бўлинг җамиша, шижоатли солдатлар.

Коммунизм ишига тайёrsиз доим дилдан,
Мангу тинчлик шиорин қўймайсиз зинҳор тилдан,
Қўрқишини ҳеч билмайсиз, даҳшат, сурон ва селдан,
Маҳоратда, меҳнатда олқиши оласиз элдан,
Қон-қариндош дўстларга, шафоатли солдатлар.

Чарчаши ҳеч билмайсиз, шўх сойлардек шарқироқ,
Партиямиз ишига тайёrsиз ҳар дам, ҳар чоқ,
Эркалатиб сизларни биз очамиз кенг қучоқ,
Ватан учун ўзингиз порлаган машъал, чироқ,
Ҳар нафасда ҳушёrsиз, садоқатли солдатлар.

Бири майор, полковник, бири машхур генерал,
Баҳодир халқ фарзанди, сира кўрмангиз завол,
Тасанно дер ер-осмон, меҳнатингиз пок, ҳалол
Ҳақиқат Акмал сўзи, душманингиз мангу лол,
Сизга минг-минг оғарин жасоратли солдатлар.

«КИЧИК ЕР»

(Шу номли китобни ўқигандан сўнг)

Номинг машҳур, дарёлардай улуғсан,
Шону шуҳрат, зафарларга тўлиқсан,

Дунё қойил, сенга дилдан «Кичик ер»,
Ҳақиқий, азамат, ҳеч енгилмас шер.

Нур сочмоқда тарихий зарварақ китоб,
Мусаффо осмонда мисоли офтоб.

Фашистларни роса қирдинг майдонда,
Ёвлар қочди тоб беролмай ҳар ёнга.

Жангларда кўрсатдинг мардлик, жасорат,
Бўшашмади зарра бўлсин ҳарорат.

Жондан севар сени ўғил, қизларинг,
Меҳрибон, ширин сўз, ой-юлдузларинг.

Халқлар хурсанд бизнинг шонли Ватандан,
Тинчликнинг қўргони обод чамандан.

Акмалинг куйлайди сени умрбод,
Бахтли давронимдан элу юртлар шод.

Номинг машҳур, дарёлардай улуғсан,
Шону шуҳрат, зафарларга тўлиқсан.

ҚУЙЛАЙМАН

Улуғ, шонли, қаҳрамон,
Сенга қойил кенг жаҳон.
Мақтасам арзир чунон
Жасоратли Ватаним.

Қатъий дўстлик қароринг,
Мангу тинчлик шиоринг.
Яшнаган боғу роғинг,
Саодатли Ватаним.

Бахт-иқболинг доим ёр,
Кўйнингда ўйнар баҳор.
Қўшиғинг ялла, гулёр,
Шарофатли Ватаним.

Кенг бағринг гўзал, обод,
Нур сочмоқда ҳур ҳаёт,
Халқим сендан хуррам, шод,
Фароғатли Ватаним.

Пахта, кўмир, нефть кони,
Мардларнинг чин макони.
Катта олтин карвони,
Саховатли Ватаним.

Таърифинг куйлар Акмал,
Дилдан жўшиб ҳар маҳал.
Беш йилликлар бўлар ҳал,
Шарофатли Ватаним.

АССАЛОМ

Ассалом, юртимнинг ботир эрлари,
Меҳнатда чиниққан асл шерлари.

Ассалом, қўли гул пахтакор деҳқон,
Ватаним баҳтига доим бўл омон.

Шер каби наъравор шердир аслингиз,
Пок юрак, баҳодир асл наслингиз.

Бир зарб билан дарёларни тўсган сиз,
Бедов миниб пойгаларда ўзган сиз.

Сиз ўзингиз чўлларга келтирган баҳор,
Парвозда юлдузни кўзлаган шунқор.

Помирдек «Олтин тоғ» кўтарган полвон,
Мўл ҳосил устаси, машҳур қаҳрамон.

Сизни десам Акмалда қайнайди илҳом,
Сизга ҳурмат, сизга олқишиш ассалом.

АЕЛЛАР

Беришибди одамлар донишмандга бир савол,
Жавоб беринг эй устоз, агар бўлса bemalol.

Айтиб беринг бизларга аёл сўзин маъносин,
Жондан севамиз халқнинг асл ўғил-доносин.

Шунда дебди донишманд саволга жавоб айлаб,
Ҳар бир ҳарф таърифини сўйлабди хитоб айлаб:

«А» дегани—аллома, меҳр, вафо, муҳаббат,
«Ё» дегани—ёронлар, аёл жонларга роҳат.

«Л» дегани—латофат, аёл сўзи бир жаҳон,
Бахтимизга аёллар доимо бўлсин омон.

Менга берса ҳуқуқин дунёдаги бор эрлар,
Аёлларни севгувчи вафодор, болтир, шерлар,

Ажратмасдим аёлни зинҳор икки томонга,
Биронта ҳам аёлни чиқармасдим ёмонга.

Ахир она-ку, дўстлар, йўқдан бизни бор этган,
Ким хўрласа онасин бағри қон, тубан кетган.

Она—азиз, мўътабар, она боғу роғимиз,
Она сўзи нурафшон, ўчмас ҳеч чироғимиз.

Она билан жонамиз ҳамиша хушиуд, обод,
Она билан ўғил, қиз ғамни билмас, мангу шод.

Она номин кўтарсак, торлик қиласар ер, осмон,
Она сўзин таърифи туганмас қўшиқ, достон.

Акмал дейди, онадек борми сира меҳрибон,
Она азиз, улуғ зот, онам дейман ҳар қачон.

ҚАЛБ САДОСИ

Фарзандларим онаси жонимсиз, жоним,
Юрагимда жўш урган қонимсиз, қоним!

Сизнинг билан ҳамиша ёруғ кошонам,
Бахтли, тахтли кошонам ҳамда пешонам!

Сизнинг билан уйимиз саришта баҳор,
Сизнинг билан сайримиз доим лолазор!

Жаҳон-жаҳон шодлигим сизсиз, жонгинам,
Менинг асл борлигим сизсиз, жонгинам!

Хонамизнинг безаги, кўрки, савлати,
Уйимизнинг бебаҳо баҳти, давлати

Маликасиз, тушса ҳам сочингизга оқ
Акмалингиз қўлида чироқсиз порлоқ.

Фарзандларим онаси, онаизорсиз
Дилимда, ўйимда ҳамиша борсиз!

ШУҲРАТИНГ

Пахтакор мадҳингни куйлай, сен ўзинг чин қаҳрамон,
Мард элим қалбида номинг доимо бўлгин омон.

Пахтадан тоғлар яратдинг эл учун, ҳалқинг учун,
Пок, ҳалол зўр меҳнатингга офарин дейди замон.

Қақраган чўлларни бўстон айладинг мардонавор,
Сен ўзингсан доимо шонли элимга ифтихор.

Яшнамоқда барқ уриб кўксингдадур олтин нишон,
Пахтакорим сенга қойил тоза дилдан кенг жаҳон.

Минг яша баҳтли замонда еру чуҳратинг,
Акмалинг куйлар сени тоғ ҳам тенг.

Пахтакор мадҳингни куйлай, сен чиг дон ахре
чиг дон тенг.

ВИЖДОН АМРИ

**Офарин, заҳматкаш пахтакор ўртоқ,
Меҳрингга тан бериб очамиз қучоқ.**

**Бўронни қайирап балқиган кучинг,
Ваъдани бажариш муқаддас бурчинг.**

**Отлиғу пиёда кездим далангни.
Жасоратда кўрдим қизғин паллангни.**

**Таърифлаш қийиндир бу йилги ҳолни,
Дўл, ёмғирлар чақиб кетди ниҳолни.**

**Ҳаво жуда инжиқ, жуда паст келди,
Унга фақат сенинг сабринг даст келди.**

**Чақмоқ чақиб асов бўронлар ўтди,
Сел қайнаб, тоғларда суронлар ўтди.**

**Ойлаб тўхтамади шалаббо ёмғир,
Далада ишларинг машаққат, оғир.**

**Ором билмай, бирдай кундуз ва тонгда,
Қайта экдинг чигит ҳатто июнда.**

**Пайҳон бўлди қанча пахта майдони,
Туганмасдир халқим меҳнат достони.**

Ҳақиқий қаҳрамон қорақалпоғим,
Офатларни енгган иним-аймоғим.

Хоразм кўклами Амуга аён,
Нималар кўрмади у бободеҳқон.

Андижон, Фарғона, гўзал Тошкентим,
Меҳнатда синалган дилга пайвандим.

Наманган, Бухоро, азиз Самарқанд,
Хирмонинг Чотқолдек бўлсин сарбаланд.

Қашқадарё, Жиззах, азамат Сурхон,
Неча бор бўлғанман далангда меҳмон.

Сирдарё оқлади ўзини жангда,
Шеър, қўшиқ ёзамиз жўшқин одангда.

Қайсар табиатни енгдик мардона,
Майдонда яшнади янги дурдона.

Ҳар дамда ҳаволаб довонлар ошдик,
Олма гулидаги сойлардек тошдик.

Қудратин кўрсатди азим техника,
Ғолиблик олдида ожиз техника!

Синовлардан аъло ўтган паҳтакор,
Ҳар лаҳза ғанимат унутма зинҳор.

Беш миллион беш юз эллик минг тонна,
Порлоқ чўққиларга олтиндан зина.

Бўронни қайирар балқиган кучинг,
Ваъдани бажариш муқаддас бурчинг.

* * *

Унутмаки, ер тўймаса эл тўймас,
Меҳнат юзни ерга қаратиб қўймас.

Файрат отин «чух»лаб, қамчила тезроқ.
Ташаббус қайнасин мисоли булоқ.

Мусобақа авжга чиқсин далада,
Бир киши қолмасин соя, панада.

Далага чиқмаган бир жон қолмасин,
Меҳнаткаш олтин қўл асло толмасин.

* * *

Пахта билан фахрланар Ватаним,
Пахта билан яшнаб турар чаманим.

Пахта бойлик, пахтанг қудрат элимга,
Нур сочади «оқ олтин»инг дилимга.

Пахтадир дўстликнинг асл тимсоли,
Бу дўстлик яшайди қуёш мисоли.

Пахта билан ҳалол ушатган ионинг,
Пахта билан кўркам бой дастурхонинг.

* * *

Офарин, заҳматкаш пахтакор ўртоқ,
Меҳриннга тан бериб очамиз қучоқ.

Бўронни қайирар балқиган кучинг,
Ваъдани бажариш муқаддас бурчинг.

Беш миллион беш юз эллик минг тонна,
Порлоқ чўққиларга олтиндан зина.

БҮСТОН ДИЁРИМ

(Мадҳия)

Ям-яшилсан, фусункорсан бўстон диёrim,
Измингдадир ҳам тақдирим, ҳам ихтиёrim!
Сен жаҳоннинг юрагига очгансан сўқмоқ,
Тақдирингни тинчлик билан этдинг ёрқинроқ.
Сенинг тиниқ, сенинг янгроқ овозинг баланд,
Қитъа аро бургут мисол парвозинг баланд.
Меҳмоннавоз! Саховатда сенсан бекиёс
Йўлинг ойдин! Сенда лим-лим муҳаббат, ихлос!

Эй муқаддас, эй севикли ўлкам, қулоқ сол!
Сўзлашайлик қона-қона. Қелмасин малол
Боқ, Ватаним, борар саф-саф марду майдонлар,
Чўлга баҳор етаклаган қизлар, ўғлонлар...
Она юртим эртакмисан, сўлим жоймисан?
Латофатга, кароматга шунча боймисан?
Шафтолизор, анжирзорлар, узумзор боғлар...
Шарбатидан шарбат эмар гилос дудоқлар.
Ризаматлар—азаматлар! Пайвандлар дилин...
Куйла, қалбим, дутор бўлиб боғларнинг тилин-
Эй, жонажон она юртим бергин ижозат:
Туганмасин таърифингни айтган ҳикоят!

* * *

«Олтин қўллар» дейди Ватаи олтинкорларни,
Ботирларим деб улуғлар чин шунқорларни.

Пойтахтим Москва ҳам олқишилар мағрур,
Ўзбекистон пахтакори жаҳонга машҳур.
Чаноқдаги момиқ пахта—тинчлик тимсоли,
Қўзимизни қамаштирап кумуш жамоли,
Мисқол-мисқол оппоқ тола тоғ-тоғ хирмондир,
«Оқ олтин»нинг ўзи қўшиқ, ўзи достондир.
Эй азиз юрт, узилмасин бошланган суҳбат,
Мадҳингни мен давом этай, бер озроқ муҳлат.
Қардошларинг қондошисан, аҳил, иттифоқ,
Шарқ қўкида сен маёқсан, зулматга чақмоқ!
Улуғ ҳалқнинг ҳамроҳисан, абад елкадош
Ун беш фарзанд қаторида тўрибсан сафдош.
Қудратингдан, шуҳратингдан диллар мунаввар,
Юлдузларга етар қўлинг узатсанг агар.
Саховатда ягонасан, билади жаҳон:
Дўстлар учун қалбинг очиқ, ёзиқ дастурхон.

* * *

Эй жонажон она юртим, бергии ижозат,
Туганмасин таърифингни айтган ҳикояят!
Коммунистик партиямиз ғамхўр меҳрибон!
Ўзбекистон қатордаги пахтакор карвон!
Бошинг узра ҳиллирайди алвон байроғинг,
Шуъласидан порлаб турар яқин-йироғинг!
Партиямиз меҳри билан яшнар диёrim,
Партиямиз меҳри билан яшнар баҳорим!
Партиямиз деганлари—ҳалқ муддаоси,
Партиямиз деганлари—ҳалқнинг нидоси!
Санъат юрти, иқбол юрти, бўстон диёrim,
Сен шарафим, сен камолим, сен учун борим!

ДЕҲҚОНЛАРГА

Пахтазорнинг савлати марди майдон деҳқонсан,
Хосилдорлик бобида катта карвон деҳқонсан.

Деҳқончилик касбингни севаман жону тандан,
Ростин ҳалол айтаман, чин паҳлавон деҳқонсан.

Мўл ҳосилнинг калити сенинг олтин қўлингда,
Ҳиммати зўр пахтакор машҳур жаҳон деҳқонсан.

Ҳар бир қарич ерингни қадрин яхши биласан,
Тупроқ сирин англашда моҳир, луқмон деҳқонсан.

Тонналарни кўтарсанг кўкка етар хирмонинг,
Халқим учун ардоқли асл инсон деҳқонсан.

Кенг оламга тарқалди, янги режа, овозинг,
Меҳнат гаштин суравер, давру даврон деҳқонсан.

Акмал қўшиқ ёзади дилдан сени олқишлиб,
Бахтимизга ҳамиша бўлгин омон деҳқонсан.

ПАХТАКОР

Тоғдек баланд қоматинг,
Меҳнатда кароматинг.
Шерда йўқ шижаотинг,
Бахти кулган пахтакор,
Кучга тўлгай пахтакор.

Элга машҳур паҳлавон,
Ўзингсан асл деҳқон.
Сенга қойилдир жаҳон
Номи улуғ пахтакор,
Қасби қутлуғ пахтакор.

Омадли олтин қўлинг,
Чароғон катта йўлинг,
Яшнади саҳро-чўлинг
Шараф-шонли пахтакор,
Зўр карвонли пахтакор.

Ардоқлар сени ўлкам,
Кенг даланг обод, кўркам.
Аҳдида доим маҳкам
Ўткир кўэли пахтакор,
Битта сўзли пахтакор.

**Партиямиз раҳнамо,
Йўлнимиз еру фазо.**

Азиз, меҳрибон, доно,
Саодатли пахтакор,
Фароғатли пахтакор.
Пахтакор ўзи-ўзи,
Акмалнинг кўрар кўзи.
Ҳақиқат айтган сўзи,
Адолатли пахтакор,
Матонатли пахтакор.

ПАХТАКОРНИНГ ҚИЗИМАН

Пўлат отда чўл қувган,
Қанал қазиб ер сурган,
Рулни зафарга бурган,
Пахтакорнинг қизиман.

Ҳаммаси дилбар, шоввоз,
Асли гўзал, бепардоз,
Қилган иши аъло, соз,
Пахтакорнинг қизиман.

Номи машҳур пахтакөр,
Меҳнатда доим илфор,
Ваъдасига вафодор
Пахтакорнинг қизиман.

Бири моҳир механик,
Бири агроном, техник,
Ҳар ишда ҳушёр, тетик
Пахтакорнинг қизиман.

Кўзи юлдуз, юзи ой,
Саҳрого берди чирой,

Илм-ҳунарга жуда бой
Пахтакорнинг қизиман.

Пўлат отда чўл қувган,
Канал қазиб ер сурган,
Рулни зафарга бурган
Пахтакорнинг қизиман.

ДАВР ТЕРМАЛАРИ

Осмондаги уч ўрдак,
Учаласи ҳам бирдек,
Бизнинг колхоз қизлари
Очилган қизил гулдек.

Боғ айланма шафтоли,
Учган кимнинг капитари,
Айтсан адo бўлмайди
Пахтакор қиз дафтари.

Пахтакор қиз хўп чаққон,
Янги ер гулини таққан,
Ақлу одоб бобида
Элу юртига ёққан.

Олма оқиб келади,
Беҳи қалқиб келади,
Қаналга кетган ёрим
Орден тақиб келади.

Сув оқару сув оқар,
Сув тагидан қум оқар,
Ёри куйлаган қўшиқ
Акмалга жуда ёқар.

МАҚТАЙМАН

Ёргинамни тўлин ой деб мақтайдан,
Жамолини гулчирой деб мақтайдан.
Менга меҳри жўшқин сой деб мақтайдан,
Жасоратга ғоят бой деб мақтайдан.

Мақташга арзирли, азиз ёрим бор,
Юзлари анору кўзлари хумор,
Ширин сўз, донишманд, оқила, дилдор,
Меҳнатда ҳамиша шарафли, донгдор.

Ёр олдига ёр-ёр айтиб бораман,
Завқли, шавқли гулёр айтиб бораман,
Акмал кўнглини изҳор айтиб бораман,
Пок севгимни ошкор айтиб бораман.

Ёргинамни тўлин ой деб мақтайдан,
Жамолини гулчирой деб мақтайдан.

ҲАЗИЛ ҚУШИҚ

Кўнгил дардин ёрга очиқ айтсаммикин
Ё ҳозирча бу шаштимдан қайтсаммикин?
Дадил туриб кўнгил дардин айлаб баён,
Қўлларига гулдасталар тутсаммикин?

Ўйлаб туриб яна: ундоғ бўлмас дейман,
Мазах қилиб яна мендан кулмас дейман,
Қўполлигим ул жононга келиб малол
Ситам билан калтак олиб қувмас дейман?

Бу жумбоқни ечолмайин бошим қотар,
Бош қотса-да, аммо унинг меҳри тортар,
Кеча-кундуз кетмай асло хаёлимдан
Ростин айтсам, унга ишқим яна ортар.

Ноз-ишваси, бол сўзлари жонга малҳам,
Бор вужудим менга эмас, унга қарам,
Таваккал деб боргум энди ҳузурига
Ажаб эмас жилмайиб ёр қилса карар...

СЕНГА

Арзим эшиг, Гуллола,
Кўнглим сенга ҳавола,
Серҳлаб қўйдинг мени,
Бунича қилма овора.

Саҳроларда ер очдинг,
Улқамизга нур сочдинг,
Қон-қариндош дўстларга
Қучоғингни кенг очдинг.

Кўнглимдаги ёр ўзинг,
Қўшиққа гулёр ўзинг
Гулёр бўлиб, ёр бўлиб
Дил олар дилдор кўзинг.

ЗОР ЭТМА

Ергинам, жононгинам, васлингга зор этма мени,
Куйдириб жону дилим, меҳримни хор этма мени.

Ой юзингни бир кўриб, ишқинг ўтида ёнаман,
Йўлларингга термулиб, мен ҳар саҳар уйғонаман.

Зеб берисан тоза дилдан янги ер гулзорига
Не қилай, ишқим тушибди пахтазор шунқорига.

Банд-банд этди дилимни қоп-қора оҳу кўзинг
Боғу рофим сен ўзингсан ҳам баҳоримсан ўзинг.

Ургилай сендан гўзал, мендан кетма ҳеч йироқ,
Акмалинг қалбин ёритган сен ўзинг нурли чироқ.

Ергинам, жононгинам, васлингга зор этма мени,
Куйдириб жону дилим, меҳримни хор этма мени.

ПАРВОНАМАН

Севганим сен деб у кун, қалбим баҳор этдинг мени,
Ваъда айлаб ишқ, вафодан, баҳтиёр этдинг мени,
Оқибатда бир кўрарга интизор этдинг мени,
Не сабабдан, жонгинам, васлингга зор этдинг мени,
Эй, нигор, термултириб мунча хумор этдинг мени.

Тинч-фаровон турмушим, обод диёrim қўйнида,
Гуллаган мангум чаман, дилшод диёrim қўйнида,
Ҳамма шод, баҳтли, омон, озод диёrim қўйнида,
Не сабабдан, жонгинам, васлингга зор этдинг мени,
Оқибатда бир кўрарга интизор этдинг мени.

Софиниб дилдан сени ишқинг ўтида ёнаман,
Сен чироқ бўлсанг мабодо мен унга парвонаман.
Акмалинг дейди висолингга қачон мен қонаман,
Севганим сен деб у кун қалбим баҳор этдинг мени,
Оқибатда бир кўрарга интизор этдинг мени,

САНЪАТКОР ҚИЗГА

Гулзорингда сайр этарман—кўнглим чоғ,
Турфа гуллар очар менга—кенг қучоқ.
Бағишлийман сенга қанча меҳрим бор,
Эй гўзалим, бунчалар нозу фироқ?

Бош устига кўтараман нозингни,
Дил-дилимдан севаман овозингни,
Бахти ҳаёт, даврон гўзал! Ўйна, кул!
Жаранглатгин элга қўшиқ, созингни.

Санъат билан яшнар яна давроним,
Сен ўзингсан элим севган жононим,
Сен ҳамиша Акмал қалбида борсан
Кўркинг билан гўзал юртим, бўстоним!

Гулзорингда сайр этарман—кўнглим чоғ,
Турфа гуллар очар менга кенг қучоқ.

ОРОМИЖОН

Ишқ ўтида бунчалар куйдирма, ёр,
Кўз тутарман йўлларингга интизор
Сирларим бўлди жаҳонга ошкор,
Ҳар нафас мадҳинг дилимда, эй нигор,
Лоақал бир қайрилиб қил эътибор.

Дилгинангга дилгинам пайванд эрур,
Сен билан нурли йўлим бирликда юр,
Ўзгинанг раъно гулим, аҳдингда тур,
Ишқ ўтида бунчалар куйдирма, ёр,
Кўз тутарман йўлларингга интизор.

Севганим, оромижонимсан ўзинг,
Ярқираб, яшнар чаманда юлдузинг,
Жонга роҳат баҳш этар доно сўзинг,
Ишқ ўтида бунчалар куйдирма, ёр,
Кўз тутарман йўлларингга интизор.

Булбулим бўл, сайрагин гулшан аро,
Кенг қанот ёз, яйрагин гулшан аро,
Акмалингдек куйлагин гулшан аро,
Ишқ ўтида бунчалар куйдирма, ёр,
Кўз тутарман йўлларингга интизор.

ПОК СЕВГИ

Тор бўлмаса, шалола ҳам бўлмайди;
Ёр бўлмаса, кўнгил асло тўлмайди.
Зору гирён ёш тўкмайман йўлида
Ёрим ўзи ёш тўккани қўймайди.

Улуғлайман, улуғ жонон элим бор,
Очиб кўринг меҳр тўла дилим бор,
Ҳамма ишда мададкордир ёргинам,
Рост дегувчи ҳақгўй, бурро тилим бор.

Ёр қадрига бели боғлиқ мард етар,
Бир-бирин севгувчи ҳамдард етар,
Акмалнинг ҳамиша покдир нияти
Пок севгининг ҳурматига шеър битар!

БЕВАФО ЁР АЛАМИ

Гулзоримнинг атрофига экдим палак,
Бир бевафо ёр йўлида бўлдим ҳалак.
Бевафолар мاشаққати оғир экан,
Юракларга ботганидек чақир тикан.

Юракларга ботмай ўлсин чақир тикан,
Бевафолар ёр қадрини билмас экан.
Эсизгина бевафога тушган бошим,
Ғам-аламдан тўхтамади кўзда ёшим.

Аввалида ваъз айтди садоқатдан,
Бахтли ҳаёт, тотув турмуш, фароғатдан.
Сал ўтмайин, учиб кетди бошқа ёрга,
Ҳамма ҳайрон бундай бебурд, беқарорга.

Муҳаббатсиз, бемеҳрнинг хулқи аён,
Даркор эмас бу ҳақда ҳеч узоқ баён.
Жавдирайди кўзи йўлда мурғаклари,
Ширин-шакар, жажжи дўмбоқ гўдаклари.

Акмал ёзган сатрларни деманг ёлғон,

— йўлчум — пинчум

пок

ДИЛДОРИМ

Емғир ювар баланд тоғлар қорини,
Ким ранжитар ўз вафодор ёрини,
Ким ранжитса ўз вафодор ёрини
Чертолмабди демак севги торини.

Мен чертаман созлаб севги торини,
Ергинамга айтиб күнгил зорини,
Яширмайман дилда нелар борини,
Топсун дейман, дилда дардим корини.

Топса агар юрагимнинг дардини,
Ювар бўлса меҳри билан гардини,
Кўзим нури поёндоздур йўлига
Ишқим билан битай шеърим бандини.

Юз мақтасам арзир
Лардимга дармоним,

УСТИНА

Қайси номард ёр қилар ўз ёри вафодор устина,
Аҳдиға содиқ, қадрдон, кўзи хумор устина,
Лайлию Шириндан ортиқ чин вафодор устина,
Тушмасин асло жудолик ошиқи зор устина.

Қылмангиз, дўстлар, менга ошиқлигимнинг таънасин,
Мард киши бузмас сира ёрига берган ваъдасин,
Акмалинг дер, ҳар киши ўз ёрини ардоқласин,
Тушмасин асло жудолик ошиқи зор устина.

ДЕМАДИНГ

Жоним десам, жон ёрингман демадинг,
Дилим десам, дилдорингман демадинг,
Гулим десам, гулёригман демадинг,
Холим кўриб нигорингман демадинг,
Ҳанузгача бир қарорга келмадинг.

Иўлларингга термуламан бўлиб зор,
Висолингга интизорман, интизор,
Келмас бўлсанг, ушбу олам менга тор,
Арзимни эшиггин, лола юэли ёр,
Ҳанузгача бир қарорга келмадинг.

Саҳроларда боғу роғлар яратиб,
Меҳнат билан шону шуҳрат таратиб,
Эл меҳрини ўзгинангга қаратиб,
Акмалингни мафтун этиб, зор этиб,
Ҳанузгача бир қарорга келмадинг.

Жоним десам, жон ёрингман демадинг,
Дилим десам, дилдорингман демадинг,

ОНА ЎГИЙ

Бесабаб ҳаётинг қилмагин чил-чил,
Жон ўғлим, турмушнинг фазилатин бил!
Ерингни ҳижронга солгандан кўра
Майлига бағримни пора қилиб тил.

Юрагим чокини сўкиб кетмагин,
Дилбандинг қаддини букиб кетмагин,
Ширин фарзандларинг интизор айлаб
Бегуноҳ ёшини тўкиб кетмагин.

Фарзандлар фарёди увол эмасми?
Қилмишинг ўзингга завол эмасми?
Элу юрт олдида юз тубан бўлиш,
Уйлаб кўр, аянчли бир ҳол эмасми?!

Ҳали ҳам қайт ўғлим, хато йўлингдан,
Айрилма, севикли жону дилингдан,
Онанг дер, янчмагил боғи роғимни,
Бу ёмон ниятни чиқар кўнглингдан.

Ҳаётинг косасин қилмагил чил-чил,
Жон болам, турмушнинг фазилатин бил!

БЕҢУБОР ҚҰЛГИ

Қулғи қадрин билингиз,
Завқта тұлсын дилингиз.
Озод, хуррам замонда
Қаҳ-қаҳ уриб кулингиз.

Қулғи дарднинг давоси,
Ёқимли хуш садоси,
Ором берар қалбларга,
Ҳамма кулғи шайдоси.

Кулингиз дилдан ҳар чоқ,
Доим бўлинг хушчақчақ.
Севикли ҳур Ватанда
Кулғига очинг қучоқ.

Бахтдир кулғи бахш этмоқ,
Инсон кўнглини ёритмоқ,
Унутманг шуни зинҳор
Кулғи қанддан ширинроқ.

Кулғига кон зўр ўлкам,
Ўзи чиройли, кўркам,

Кел, Ақмал, қулишайлик
Соғлиқ булур мустаҳкам.

Кулги қадрин билингиз,
Завққа тўлсин дилингиз,
Озод, хуррам замонда
Қаҳ-қаҳ уриб қулингиз.

ЖОН БОЛАМ

(Бир пахтакор онанинг ваъдабоз ўғилга айтганлари)

Пахта шараф-шонимиз,
Номус, қудрат, оримиз.
Яшнатар давронимиз,
Уйғон тезроқ, жон болам.

Бергансан катта ваъда,
Ултирасан ғафлатда,
Қолма сира ғам, доғда
Уйғон тезроқ, жон болам.

Ғўзанг ишловсиз, чанқоқ,
Бригаданг жуда қолоқ,
Сен бўлма беғам, иўноқ,
Уйғон тезроқ, жон болам.

Меҳнат қилгин пок, ҳалол,
Бор кучингни ишга сол,
Ҳосилинг қилма увол —
Уйғон тезроқ, жон болам.

Онанг сўзин унутма,
Меҳнатсиз зафар кутма.
Юзингга қора суртма
Уйғон тезроқ, жон болам.

ТУҲМАТЧИ БЎЛГАЙ ШАРМИСОР

Қанчалар дилдан севардим, яхши дўстим деб уни,
Бир мағизни бўлиб ердик, бирга эрдик ҳар куни.
Охирида фош қилинди, ул фирибгарнинг иши,
Туҳмату иғво-фасоддир сурбет, айёр қилмиши.

Бағрима кирди мулойим, аввалига дўст бўлиб,
Офаринлар дерди менга, тилда завқларга тўлиб.
Соддалик бирлан ишондим мен унинг даъвосига,
Сўнгида қолдим роса туҳматчининг иғвосига.

Дўстларим, ҳушёр бўлинг, дўст орттиришда доимо,
Бетайин, қаллобда бўлмас заррача инсоф, ҳаё.
Бузма кўнглинг, Акмало, туҳматчи бўлгай шармисор.
Она юрт қилгай ўзи туҳматчиларни хору зор.

ҮЗЛАРИ

(Бир ваъдабоз ферма мудирига)

Ваъдаси қуруқ, қоп-қоп,
Айтганлари нуқул лоф,
Ферма ремонтсиз, хароб,
Ёлғон айтган ўзлари,
Сўздан қайтган ўзлари.

Қаймоқ деса кўзи лўқ,
Сут, қатиққа қорни тўқ,
Мақтанчоқ, ўта қуруқ,
Ишда айёр ўзлари,
Ошга тайёр ўзлари.

Ем-хашак деса қочди,
Чорвага заҳрин сочди,
Алдашга қулоч очди,
Ута бурдсиз ўзлари,
Анқов, шудсиз ўзлари.

Охирида ундоқ деб,
Хатоларим бундоқ деб,
Ювилади бу дод деб
Такрор айтган ўзлари,
Сўздан қайтган ўзлари.

Бу гал кетмади ёлғон,
Отилмади гап, сопқон,
Мудирнинг нафси ўпқон,
Ишдан кетган ўзлари,
Ёлғон айтган ўзлари.

Ҳорманг энди, ўзлари,
Очилдими кўзлари?!

НАЙЛАЙИН

**(Қишдан қийналиб чиққан бир сиғирнинг
ферма мудирига айтганлари)**

Ферма мудир, эшит менинг сўзимни,
Парво қилмай сарғайтирдинг юзимни.

Говмиш эдим сутдан қолдим, найлайнин,
Хуштоқ эдим ғамга толдим, найлайнин.

Қишда роса ем-ҳашаксиз қийнадинг,
Қорин солиб ўз-ўзингни сийладинг.

Сут, қаймоғим яхши, ўзим ёмонми?
Сен бегам дастидан рангим сомонми?

Ҳар йил ёзда катта ваъда берасан,
Бўйнинг чўзиб, кўкракларинг керасан.

Қишда эса югурасан ҳар ёнга,
«Силос» деб ялиниш тегди-ку жонга.

Уялмайсан эл олдида ваъдабоз,
Қилмишинг мажлису қуруқ гап, қороз.

Энг муҳим дамларда юрасан бекор,
Шунинг-чун чорванинг ҳоли кўп иочор.

Сен юрасан ҳамон парвойинг фалак,
Ашуланг таралла, дўппинг чамбарак.

Кўзингни оч теэроқ вақтинг ўтмасдан
Бултургидек қишиш-аёзни кутмасдан.

Ферма мудир, эшит менинг сўзимни,
Парво қилмай сарғайтирдинг юзимни.

ЛАГЕРИМ, ЖОН ЛАГЕРИМ

(Болаларга)

Атрофи кенг чаманзор,
Яшнайди мисли баҳор,
Сойдан ўйнаб сув оқар,
Лагерим, жон лагерим.

Чиройда танҳо ўзи,
Кечаси ҳам кундузи,
Чақнар ёруг юлдузи
Лагерим, жон лагерим.

Яйраб, қувнаб ўйнайман,
Жамолига тўймайман,
Шўх қўшиқлар куйлайман
Лагерим, жон лагерим.

Нашъали ҳар томони,
Келганинг йўқ армони,
Баҳра олар тан-жони,
Лагерим, жон лагерим.

Тоза ҳаво, сув, офтоб,
Ўйин-кулги беҳисоб,
Бадан ейди роса тоб,
Лагерим, жон лагерим.

Обод қилдим юракдан,
Меҳнат қилиб билакдан,
Ҳеч қайтмайман тилакдан
Лагерим, жон лагерим.

МУНДАРИЖА

Улкам баёти	3
Довруғинг	4
Улур Октябрь	5
Даврон қўшиғи	6
Бўстонимга яраша	7
Чаманялла	8
Солдатлар	9
«Кичик ер»	11
Куйлайман	12
Ассалом	14
Аёллар	15
Қалб садоси	17
Шуҳратинг	18
Виждан амри	19
Бўстон диёrim	22
Деҳқонларга	24
Пахтакор	25
Пахтакорнинг қизиман	27
Давр термалари	29
Мақтайман	30
Ҳазил қўшиқ	31
Сенга	32
Зор этма	33
Парвонаман	34
Санъаткор қизга	35
Оромижон	36

Пок севги	37
Бевафо ёр алами	38
Дилдорим	39
Устина	40
Демадинг	41
Она ўгити	42
Беғубор кулги	43
Жон болам	45
Туҳматчи бўлгай шармисор	46
Ўзлари	47
Найлайнин	49
Лагерим, жон лагерим	51

На узбекском языке

АКМАЛ ПУЛАТ (ПУЛАТОВ)

СЕРЕНАДА СОЛНЕЧНОЙ ДОЛИНЫ

СТИХИ, ПЕСНИ, ЮМОР

Китоб иқтисод қилинган қоғоз ҳисобидан босилган

Редактор Н. Алихонова

Рассом Ф. Қамбарова

Расмлар редактори А. Бобров

Техн. редактор Н. Жўраева

Корректор К. Ҳамирова

ИБ № 1129

Босмахонага берилди 12. 07. 78 й. Босишга рух-
сат этилди 19. 10. 78. Формати 70x90 1|32..
Босма л. 1,75 Шартли босма л. 2,05. Нашр
л. 1,25. Тиражи 25000. Р. 06553. Faafur Fu'lom
номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
Тошкент, Навоий кӯчаси, 30. Шартнома №
95—78.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва
китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комите-
тининг Бекобод шаҳар босмахонасида 1-қо-
ғозга босилди. Бекобод, 1978 йил. Заказ № 150
Бахоси 15 т.

Пўлат Акмал.

Чаманялла: Шеърлар, қўшиқлар, ҳажвиялар. — Т.:
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 С. — 56 б.
Чиқиш маълумотларида авт.: Акмал Пўлат (Пўлатов).

Ушбу тўпламдан Акмал Пўлатнинг сўнгги ўйларда яратган шеър, қўшиқ ва ҳажвиялари жой олган.

Шоир ижоди Ватанинни севиш, Ленин партиясига чексиз меҳр, онага ҳурмат, ёрга садоқат, бевафо, бебурд кишиларга нафрат туйғулари билан сугорилгандир. Тўпламга шоирнинг турли мавзуларда ёзилган лирик қўшиқлари ҳам киритилган.

**Пулат Акмал. Серенада солнечной долины
Стихи, песни, юмор.**

Уз 2